Ушбу сонда: 2 РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК 3 БАЙРАМ ШУКУҲИ 4 БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 24 август, сешанба № 136 (1769)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




**_Гулистонда «Лола Модел» Ўзбекистон-Америка-Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. «Лола» акционерлик жамияти, Американинг «BRI» компанияси ва Туркиянинг «DOGUS» компанияси қўшма корхона муассисларидир._**




# ГУЛИСТОНДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тикувчилик фабрикасининг эски ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи иншоотлари қайта таъмирланганидан сўнг таниб бўлмас даражада ўзгарди. Цехларда Япония, Жанубий Корея ва Германияда тайёрланган 254 та технологик ускунани монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етди. Умумий қиймати 2 миллион 139 минг АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳани Америка бизнеси вакиллари ва «Асака» давлат акционерлик тижорат банки молияламоқда.

Янги корхона трикотаж маҳсулотлар, чунончи, катталар ва болалар учун спорт майкалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳар йили етти миллион дона ана шундай экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу йил охиригача қўшма корхона хорижий «DOGUS» ва «BRATEKS» компанияларидан ўз маҳсулотларини экспорт қилиш учун буюртмалар олди. «Лола Модел» корхонасининг қарийб 860 минг долларлик трикотаж товарлари мазкур компаниялар орқали дунёнинг турли мамлакатлари, биринчи навбатда АҚШ ва Туркия шаҳарларида сотилади.

Корхонада жами 1100 киши, асосан вилоят маркази ва яқин атрофда жойлашган қишлоқлардан келган хотин-қизлар меҳнат қилади. Қўшма корхона таъсисчилари янги жамоа аъзолари учун шароитлар ҳам яратди. Бу ерда ошхона, тиббиёт пункти, ювиниш хоналари мавжуд.

«Лола Модел» қўшма корхонасининг очилиш маросимида вазирлик ва идоралар раҳбарлари, чет эл элчихоналари, фирма ва компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров очди. Маросимда сўзга чиққан Американинг «BRI» компанияси вакили Дэвид Кетчем, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчисининг савдо масалалари бўйича маслаҳатчиси Муслим Демир, «DOGUS» компанияси менежери Челял Улуғ ва бошқалар янги корхонада ишлаб чиқариладиган трикотаж маҳсулотлар нафақат Ўзбекистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўз истеъмолчиларини топиши, корхона жамоаси эса мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

(ЎзА)





# «НИҲОЛ-2004» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**_Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти санъат йўлига дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиз учун самарали ижод ва изланишга даъват этувчи ўзига хос омил бўлмоқда._**

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Қад ростлаётган кўплаб таълим даргоҳлари, спорт мажмуалари, йигит-қизлар қобилиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилаётган кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, илмий-ижодий анжуманлар ана шу хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

«Ниҳол» мукофоти соҳиблари юртимиздагина эмас, балки халқаро миқёсдаги танловларда, мусиқа фестивалларида муваффақият қозонмоқдалар.

Бу йил ушбу мукофотга тавсия этилган саксондан зиёд номзоднинг ижодий имкониятлари ҳар томонлама холис кўриб чиқилди. Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик байрами арафасида улардан энг муносиблари ана шу мукофотга лойиқ топилди. Улар орасида Дилафрўз Аҳмедова, Лола Аҳмедова, Павел Упоров, Улуғбек Юнусов, Дилноза Исмияминова, Феруза Жуманиёзова, Шерзод Давронов, Гулсанам Мамазоитова каби ёш санъаткорлар бор.

Тадбирда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

(ЎзА)

**_Мустақиллик байрами арафасида Қашқадарё вилоятида тўла қайта таъмирланган «Журналистлар уйи» фойдаланишга топширилди._**

## «ЖУРНАЛИСТЛАР УЙИ»

Унда оммавий ахборот ходимлари фаолияти учун барча шароит яратилган. Хоналар янги компьютерлар, иситиш ва совутиш қурилмалари, мебеллар билан жиҳозланган. Шунингдек, конференция зали, китоб дўкони ва қироатхонага эга кичик боғ ҳам барпо этилди.

Журналистлар уйининг очилишида сўзга чиққанлар ушбу масканнинг бунёд этилиши ижод аҳлига қаратилаётган юксак эътибор намунаси эканини таъкидлади.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

**_Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади._**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

Олий Мажлисда 24 август куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси, соат 15.30 да эса «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 24 август куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 25 август куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

# ЧЎЛ ДАРҒАЛАРИ

**_Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган кимсасиз чўл бугунги кунда улкан қурилиш майдонига айланган. Бир томони Шўртангаз кимё мажмуаси, иккинчи томони Талимаржон сунъий денгизига туташиб кетган бепоён даштда нурхона қад кўтарди._**

Қарши чўлидаги Оловуддин тепаликларининг қадимий тарихи бор. Бундан неча юз минг йиллар аввал бағри кенг дашту биёбонлар ўрнида катта шаҳар жойлашганлиги ҳақида афсоналар юради. Халқ мифологиясида қайд этилган Оловуддиннинг шамчироғи тўғрисидаги эртак ҳам шу заминда юзага келган бўлса ажаб эмас. Эндиликда афсоналар ҳақиқатга айланди. Йигирма икки йил муқаддам илк пойдевори қўйилган улкан нурхонанинг 270 метрли баҳайбат минораси саҳро бағридаги олтин маёқ сингари олис-олислардан кўзга ташланади. Сон-саноқсиз электр чироқлари самодаги юлдузлар билан баҳслашаётгандек теварак-атрофни зиёга чўлғаган.

Бундан салкам йигирма йил илгари қирчиллама қирқ ёшида Абдурасул Бозоров Талимаржон ГРЭСи қурилиши бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Қурувчи муҳандис бу фидойи инсон хорижий давлатларда ишлаб катта тажриба орттирди. Ўзи ва ўзгаларга нисбатан ўта талабчан, бир сўзли, айни пайтда адолатпарвар раҳбар етакчилигида қисқа муддатда икки минг кишилик аҳил ва иноқ жамоа шаклланди.

Тўртта энергоблоки бир йўла 3,2 миллион киловатт соат энергия берадиган улкан станция мустақиллик иншооти сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Ўтган йиллар мобайнида бир неча ўн миллиард сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилди. Яқин кунларда 800 минг киловатт соат энергия ишлаб чиқарадиган биринчи энергоблок фойдаланишга топширилди.

Қурилиш майдонида иморатга биринчи ғиштни қўйган меҳнат фахрийлари Ҳусан Абдуллаев, Норпўлат Бердимуродов, Бойхон Ҳайитовларни учратдик. Оқсоқолларнинг юз-кўзларида қувонч, осмон ўпар биноларга фахр билан тикилишади. Чунки, ҳар бир ғиштда, ҳар бир иморатда қадоқ қўлларининг излари қолган. Фахрийлардан яна

Фахр

бири бошқарма касаба уюшма қўмитасининг раиси Алимардон Жумаев. Умрининг қарийб ярим асрини чўл кенгликларида ўтказди. Қалб амри, ватан даъвати билан қурилишга келган. Юзлаб ёшларнинг устози, эл-юртда ҳурмат орттирган ардоқли киши.

Мажмуани бунёд этишда илғор тажриба ва фан ютуқларидан кенг фойдаланилди. Бошқарма бинокорлари томонидан жорий йилнинг ўзида 3 миллиард 140 миллион 409 минг сўмлик иш бажарилди. Шунинг 3 миллиард 17 миллион сўми биринчи энергия блоки қурилишига тўғри келади.

Жамоада кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган комплекс бригада бошлиғи Абдурасул Абдуназаров, монтажчи Абдураҳмон Эшов, Раҳмон Пўлатов, Карим Маъмуров, Валижон Мирзаев сингари илғорлар ҳақида фахр билан гапиришади. Қурилишда йигирмадан ортиқ миллат ва элат фарзандлари елкама-елка туриб ишладилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, Қарши даштида ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Нуристон шаҳарчаси қад ростлади. Юз минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой, 702 ўринли ётоқхона, 640 ўринли болалар боғчаси, 1564 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаби, «Тез ёрдам» бўлими, маданият саройи, ёзги кинотеатр, савдо маркази, нон комбинати, ўнлаб ошхона ва чойхоналар, сув тозалаш иншоотлари, инженерлик коммуникациялари, автомобил йўллари ва бошқа инфратузилмалар барпо этилди.

– Шаҳарчамиз энига ва бўйига кенгаймоқда, – дейди фуқаролар йиғини раиси Холиёр Абдуллаев. – Келажакда Шўртангаз кимё мажмуаси қўрғони билан қўшилиб кетади ва аҳоли сони эллик мингдан ошади.

Меҳр ва мурувват йилида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўз соғлиғини тиклаш ва даволаш учун 22 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимга республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида даволанишлари учун йўлланма берилди. Пардозловчилар бригадаси аъзоларидан А.Бойтуллаев, С.Холматов, И.Йўлдошев, З.Раймовлар «Чортоқ» санаторийсида даволаниб келишди. 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. 4 нафар ишчига янги уй қуриб берилди. Ишлаб чиқаришни қайта кўриб чиқиш ҳисобига 55 та янги иш ўрни яратилди.

Тан олиш керак, ўтган аср охирида бунёд этишга киришилган қурилишда маблағ ва бутловчи материаллар етишмаганлиги туфайли йиллар давомида муаммолар ўз ечимини кутиб ўтган эди. Президентимиз ғамхўрлиги ва республика ҳукуматининг амалий ёрдами билан кейинги беш йилда бу борадаги ишлар жадаллашди. Тинимсиз изланишлар ва дадил ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз энергетикасининг гиганти Талимаржон ГРЭСи қурилишининг биринчи навбати ниҳоясига етказилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

# КЎЧМА ДЎКОН

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси биринчи августдан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг чекка туман ва қишлоқларида ташкил этган мактаб бозорларида савдо қизғин давом этмоқда.

- Тўрт юздан ортиқ мактаб ярмаркасида дарсликлар, ўқув қуроллари, мактаб формалари ва пойабзаллар нисбатан арзон нархларда сотилмоқда, - дейди компаниянинг савдони ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Х.Қамбаров. - «Меҳр ва мурувват йили» дастурига мувофиқ кам таъминланган, ногирон ва кўп болали оилалар ушбу маҳсулотларни йигирма фоиз арзонлаштирилган нархларда харид қилмоқда. Мамлакатимизнинг тоғли ва чўл ҳудудларида юздан ортиқ кўчма мактаб дўкони ҳам хизмат кўрсатмоқда.

*Долзарб мавзу*

# СУВНИ АСРАНГ, АЗИЗЛАР!

Яқинда бир чет эл фильми «ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилди. Унда 4 киши кимсасиз бир чўлда қолиб кетишади. Сув анқонинг уруғи. Улар бир қултумгина оби-ҳаёт учун борларини беришга тайёр. Мана шундай фильмлар тез-тез намойиш этиб борилса, эҳтимол кўпчилик сувнинг қадрига янада кўпроқ етармиди!

Маълумотларга қараганда, сув табиатда энг кўп тарқалган модда бўлиб, ер юзининг 70 фоизини эгаллайди. Бироқ унинг фақатгина 2,5 фоизини чучук, яъни ичимлик суви ташкил этиши оби-ҳаётнинг беҳисоб эмаслиги, уни тежаб-тергаб ишлатиш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлигини англаб етиш қийин эмас. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра айни кунларда дунёда 1,1 миллиарддан зиёд киши тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум.

Кўпчилигимиз мана шу юқорида қайд этиб ўтилган нарсаларни яхши биламиз. Лекин бунинг акси ўлароқ ичимлик сувини тежаб-тергаб ишлатишда бефарқмиз. Мени кўпдан бери айнан шу муаммо ўйлантирарди. Бир куни шу ҳақда маҳалла оқсоқолларидан бирига ёрилдим.

– Тўғри айтасан ўғлим, – дея бош чайқади отахон, – бизнинг халқимиз азалдан сувга нисбатан ҳурмат ҳисси билан тарбияланиб келган. Лекин кейинги вақтда ота-боболаримиздан қолган бу удумга кўпинча риоя қилмай қўйдик. Анҳорларга, ариқларга ташланаётган ахлатни кўриб юрагим орқага тортиб кетади. Баъзи ёшларга сувнинг жўмрагини яхши беркитинглар, дейвериб чарчайсан киши.

Дарҳақиқат, «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деб бежиз айтмаган халқимиз. Чунки, уйимизга оқиб келаётган сувни қанчалик машаққат билан келишини кўпчилигимиз англаб етмаймиз. Пойтахтимиз аҳолисини сув билан таъминлаш, «Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси зиммасида. Айни пайтда унинг тасарруфида ичимлик сувларини тозалаш иншоотлари, учинчи босқич насос станциялари, тақсимлаш иншоотлари, ўтказгичлар мавжуд. Шаҳримизнинг ичимлик сув таъминоти Чирчиқ дарёсидан бошланади. Сув тармоқларининг узунлиги эса 3567 километрни ташкил этади.

Истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув ҳар бир босқичда тозаланиб, лаборатория текширувидан ўтказилади. Айни вақтда «Сувсоз» тресті таркибида 8 та сув тозалаш иншооти бўлиб, улар суткасига истеъмолчиларга 2 миллион 326 минг куб метр сув етказиб бермоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, сувни ичимлик ҳолатига келтириш учун кунига 10 минг килограмм аччиқтош, 2 минг килограмм суюқ хлор сарфланмоқда. Бундан ташқари, хонадонларимизга оби-ҳаёт етиб келиши учун кунига 1 миллион киловатт электр энергияси сарфланади.

Япониянинг «Жайка» халқаро ҳамкорлик агентлигининг мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра Тошкент шаҳри ва шаҳар олди туманларининг аҳолисини ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш учун кунига 1,6 миллион куб метр миқдорида ичимлик суви кифоя. Аммо, ҳозирги кунда шаҳар истеъмолчиларига 2,5 миллион куб метр сув етказиб бермоқда. Шунга қарамай, ёзги мавсум бошланиши билан баъзи туманлардаги маҳаллаларда ҳамда кўп қаватли уйларда сув танқислиги рўй бермоқда. Бу каби ҳолатлар Акмал Икромов туманининг «Бекобод», Фурқат номли, «Қори ёғди» , «Шарқ гули» маҳаллаларида содир бўляпти. Собир Раҳимов туманининг Очил Бобожонов номли кўчаси ёқасидаги тўрт қаватли уйларда, «Намуна» маҳалласидаги Қизил қўшин кўчасида, Чилонзор туманининг 19-20 мавзеларидаги кўп қаватли уйларда ҳам мана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби кўпчилик ҳамшаҳарларимизнинг сувдан ноўрин фойдаланишларида. Рақамларга мурожаат этсак, шаҳримиздаги кўп қаватли уйларда яшовчи ҳар бир киши кунига 330 литр, хусусий хонадонларда яшовчилар учун 170-200 литр сув сарфланиши кўзда тутилган. Ваҳоланки, бу рақам Сергели туманида 700-1000, Мирзо Улуғбек туманида эса 500-700 литрни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, айрим кўчалардаги сув тармоқлари эскирган.

Яна бир муаммо. Кейинги вақтда шаҳримиздаги канализация шохобчалари тез-тез ишдан чиқиб турибди.

– Бунинг асосий сабаби айрим ҳамшаҳарларимизнинг «беминнат дастёр»дан ўта ножўя фойдаланишларидир, –дейди «Сувсоз» трестининг бош муҳандиси Ғайбулла ака Солиҳов. – Бир неча бор канализация шохобчаларини тозалаганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ундан нималар чиқмади дейсиз. Қўйнинг калласи-ю, ичаклари, ҳаттоки ҳаром ўлган молгача топилди. Мана шунинг эвазига 10 литр сув сарфланадиган жойга 2-3 баробар кўп сув ишлатилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳримиздаги хонадонларда қўй ва мол сўювчи азаматлар чиқиндиларни барчасини канализация шохобчаларига ташламоқдалар. Шу боисдан 12 йилда бир марта тозаланиши лозим бўлган шохобчаларни ҳар тўрт йилда тозалашга тўғри келмоқда. Мана сизга қанчадан-қанча ортиқча харажат.

Тўғри, ичимлик сувидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 августдаги 280-сонли қарорига мувофиқ шаҳримизнинг уй-жой фондида жорий йилнинг 1 июл ҳолатига қадар 146 минг 051 дона сув ўлчагич асбоблари ўрнатилди. Бу эса умумий хонадонлар сонининг атиги 27 фоизини ташкил этади. Бунинг асосий сабаби етарли даражада маблағ бўлмаганлиги ҳамда сув ўлчагичлар ўрнатилган хонадон эгаларининг ўз вақтида бажарилган иш учун тўловларни амалга оширмаганликларидир.

Ичимлик суви юқорида айтиб ўтганимиздек ҳар биримизнинг хонадонимизга ўз-ўзидан келиб қолаётгани йўқ. Шу боисдан ҳам уни тежаб-тергаб ишлатишга юксак бир масъулият билан ёндошишимиз лозим. Ёшларда ҳам оби-ҳаётга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, сув бебаҳо неъмат. Унинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Мана шуни ҳамиша ёдда тутишимиз зарур.

**Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири**

*Олимпиада-2004*

## ТЎЛАШБОЙГА РАҚИБИ ҲАМ ТАН БЕРДИ

Олимпиада ўйинларида боксчиларимиз кетма-кет муваффақиятга эришаётгани барчамизни жуда қувонтирмоқда. Бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Султонов польшалик рақиби Ликзик Андрейни иккинчи раунддаёқ мағлубиятга учратди. Учрашувда 24-4 ҳисоби қайд этилгач, ҳакам ўзбекистонлик боксчи яққол устунлик билан ғалаба қозонганини маълум қилди.

Яна бир боксчимиз Тўлашбой Дониёров жаҳон чемпионати совриндори, америкалик Рон Сайлорни 45-22 ҳисобида енгди.

- Ҳар гал рингга чиққанимда, ортимизда биздан юксак натижалар кутаётган халқимиз турганини чуқур ҳис қиламан,- деди Т.Дониёров. - Бу галги рақибим анча кучли боксчи эди. Лекин мард йигит экан, чемпион бўлишимни тилаб, мени навбатдаги ғалабам билан табриклади.

Енгил атлетикачимиз Любов Перепелованинг номи 100 метр масофага югуриш бўйича аёллар ўртасида ярим финалга чиққан биринчи осиёлик спортчи аёл сифатида Афина Олимпиадаси тарихида қоладиган бўлди. Беллашувда у 16-ўринни эгаллади.

Байдарка ва каноэда эшкак эшишнинг тўртлик баҳсларида жамоамиз аъзолари - Алексей Бобожонов, Дмитрий Стрижков, Сергей Борзов ҳамда Антон Ряхов бешинчи натижани қайд этиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди.

(ЎзА)

*Қарор ва ижро*

# МИЛЛАТ БАРКАМОЛЛИГИ ТАЯНЧИ

Энг яхши фазилатларнинг авлоддан авлодга узлуксиз ўтишига эришиш баркамол миллатни шакллантириш борасидаги энг улуғ мақсаддир. Шунинг учун республика мустақилликка эришган илк даврлардан буён оналар ва болалар саломатлигига, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Бу ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани унинг келажак нуқтаи назаридан нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. «Соғлом авлод йили», «Аёллар йили», «Она ва бола йили» каби давлат дастурларининг амалга оширилиши бу борада жуда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва уни бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юқорида айтилган дастурий тадбирларнинг мантиқий давомидир. Зеро, ёш авлодни тарбиялаш, баркамол авлодни шакллантириш ҳар бир халқнинг орзу-умиди, муҳим вазифасидир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш учун Самарқанд шаҳрида кенг кўламли ишлар режали олиб борилаяпти. Дастлаб шаҳардаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, турмуши, таклиф-истаклари чуқур ўрганилди. Маълумотлар умумлаштирилиб, қарордан келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқ тадбирлар режали ишлаб чиқилди. Бу жараёнга корхоналар, муассасалар, ўқув юртлари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари жалб қилинди. Уларнинг ёрдамида шаҳарнинг барча ҳудудлари ва ижтимоий қатламлари қамраб олинди. Бу эса жуда катта ютуқдир. Чунки хотин-қизларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак. Ҳукумат қарорида худди шу мақсад назарда тутилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шаҳримиз хотин-қизларининг ижтимоий аҳволи ўтган йилгига нисбатан анча яхшиланган. Турмушда учраб турадиган нохуш ҳолатлар, муаммолар сезиларли камайди. Масалан, эр-хотин ажралишлари сони икки баравар қисқарди. Бунинг ижтимоий аҳамияти катта. Чунки жамиятнинг асоси бўлган оиладаги муҳит, унинг барқарорлиги болалар тарбиясига ва аёллар соғлиғига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Оилани мустаҳкамлаш ва шу орқали болалар тарбиясини яхшилаш, аёлларнинг жисмоний-руҳий саломатлигини таъминлаш, аҳолининг ҳар томонлама баркамолликка эришиши асосларини барпо қилиш жамият умумий равнақининг ажралмас бўлагидир. Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йилгига нисбатан хаста хотин-қизлар, ишсиз аёллар сони камайди. Бу йилнинг ўтган даврида 162 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Жуда кўп ижтимоий муаммоларнинг ечими аёлларнинг саломатлиги ва жамиятдаги фаоллиги даражасига бевосита боғлиқ. Шу боис биз белгиланган тадбирлар доирасида, энг аввало, шаҳардаги хотин-қизларининг соғлиғини ўргандик. Кексаларни соғломлаштириш чораларини кўрдик. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 минг нафар кўп хотин-қиз соғломлаштирилди. Айниқса, туғиш ёшидаги аёлларга, ёшларга, талаба ва ўқувчи қизларнинг соғлиғига кўпроқ эътибор берилди. Бу ишда барча тиббиёт муассасалари, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари қатнашишди. Хусусан, камқонли ҳомиладор аёллар зарур дори-дармонлар билан етарлича таъминланди. Хотин-қизлар билан тегишли мавзуларда кўплаб суҳбатлар ўтказилди. Келин-куёвларга никоҳнинг тиббий-физиологик жиҳатларини, болани парваришлашнинг хусусиятларини тушунтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг учун махсус тавсия-қўлланмалардан фойдаланилаяпти. Матбуотда мутахассисларнинг чиқишлари ташкил қилинаётир.

Маърифатли, билимли кишилар ўзлари ўзларини камолотга етказиш учун ҳаракат қиладилар. Шунинг учун хотин-қизларни кутубхоналарга жалб этиш, китоб ўқишга қизиқтириш учун мақсадли тадбирлар амалга оширилаяпти. Маҳаллаларда, ўқув юртларида китобхонлик кечалари уюштирилмоқда. Айниқса, ўқув юртлари талабалари, мактабларнинг ўқувчилари иштирокида махсус мавзулар бўйича ўтказилаётган тарбиявий соатлар катта самара беради, деган умиддамиз.

Саломатлик ва баркамоллик ҳақида гап кетганида оммавий спорт тадбирларининг муҳимлигини унутмаслик керак. Шуни эътиборга олиб, шаҳардаги барча маҳаллаларда, йирик корхона ва муассасалардаги спорт иншоотлари ҳамда майдончалари тартибга келтирилди. Шаҳардаги Инқилоб, Масжиди Нақшин, Дамариқ-3 маҳаллаларидаги, Регистон уй-жой ширкати ҳудудидаги спорт базалари қайтадан жиҳозланди. «Нафис» ҳиссадорлик жамияти, «Самвилгаз» корхонаси, коллежлар, мактабларнинг спорт иншоотлари ва майдончалари имкониятларидан ҳам кенгроқ фойдаланилаяпти. Кичик ёшдаги қизлар, ёш хотин-қизлар, оилалар иштирокида спортнинг кўплаб турлари бўйича мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Спорт тадбирлари хотин-қизларимизнинг соғлиғини мустаҳкамлашда, тетиклигини оширишда зарур аҳамият касб этаяпти, десам муболаға бўлмайди.

Хуллас, ҳукуматимиз қарори билан хотин-қизларнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилишга қаратилган ва келажакка мўлжалланган кенг кўламли ҳаракат бошланди. Бу ишда ҳар биримиз, ҳаммамиз фаол қатнашишимиз, ташаббускор бўлишимиз шарт. Чунки онаси, опа-синглиси, қизлари соғлом, баркамол бўлиши ҳар бир киши учун муҳимдир.

**Фароғат ШОКИРОВА,**
**Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари,**
**хотин-қизлар қўмитаси раиси**

---

Элликқалъа қиёфаси кейинги йилларда тамомила ўзгариб кетди. Бу ерда қад ростлаган Санъат саройи, бир-биридан гўзал маданий-маиший иншоотлар Бўстон шаҳри қиёфасига бўлакча жозиба касб этган. Бу ерда қад ростлаган тиббиёт коллежи биноси қурувчилар ҳадя этган мўъжизалардан яна бири бўлди.





***Суратда: ўқув биносининг умумий кўриниши; қурувчи Жуманиёз Отаберганов.***

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

---

## ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛГАН КОШОНА

Хоразмда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизими ходимларига етарли шарт-шароитлар яратиш, беморларни даволаш учун қулай имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бинолари эскириб қолган шифохоналарда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч филиали вилоят болалар ва клиник шифохоналари шулар жумласидандир. Ҳокимнинг фармойиши билан вилоят туғруқхонасини мукаммал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган эди. Муҳими шундаки, бу ишларга кетадиган маблағнинг ярмиси ҳомий ташкилотлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ерда таъмирлаш ишларини олиб борган ишчилар Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирладилар. Уларнинг фидойи меҳнатлари туфайли 10 ой ичида туғруқхона мажмуасининг маҳобатли бинолари шаҳар кўркига кўрк қўшди.

Таъмирлаш учун жами 1,3 миллиард сўм сарф қилинди. Шу маблағнинг 408 миллиони ҳомий ташкилотлар томонидан берилди. Чақалоқлар дунёга келиб, илк маротаба ёруғ жаҳонга кўз ташлайдиган бу қутлуғ даргоҳ энди ўзгача чирой очган. Энг сўнгги андозалар асосида пардозланган, мўъжизавий гўзалликка бурканган бинолар кўзни яйратади. Бухоролик дизайнер Нина Исмақова томонидан қишки боғчага экилган 86 турдаги 500 хил гул кўчатлари дунё мамлакатларидан танлаб олиб келинган. Гуллар орасида айниқса, Ҳиндистон, Италия, Голландиядан олиб келинганлари алоҳида ажралиб, кишига завқ-шавқ бағишлайди. Иккита фаввора боғ кўркини янада очиб юборган.

Бу улкан кошонанинг бунёдга келишида «Урганчшаробсавдо», «Хонқашаробсавдо», «Хоразмдеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари, «Бунёдкор», «Электромонтаж» корхоналари муносиб ҳисса қўшдилар. Қ.Отабоев, Т.Полвонов, У.Иброҳимов, Б. Матқурбонов, Ф.Йўлдошев сингари ишчилар бошқаларга намуна бўлдилар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

# КАТТА ЎЗБЕК ТРАКТИДА

***Йўлни иқтисодиётимиз қон томирига қиёслашади. Зеро, равон йўл ҳайдовчи ва йўловчи манзилини яқин, юкларини енгил қилади. Шу боис юрт истиқлолидан сўнг йўлсозлик янги поғонага кўтарилди. Айни чоғда узоқ йиллар халқ хизматида бўла оладиган йўллар барпо этишда муайян тажриба тўпладик. Катта ўзбек трактидаги бунёдкорлик ишлари бунга яққол мисол бўла олади.***

Ўтган йиллар сирдарёлик йўлсозлар ҳудуддан ўтувчи халқаро магистраллар бунёд этишди. Айни дамда ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилаётир. Жорий йилнинг эрта кўкламидан Сардоба қўрғонидан Гулистон шаҳригача бўлган қисмини барпо этишга киришдик. Ана шу 35 чақиримлик йўл қурилишига 16 миллиард сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Мирзачўллик йўлсозлар билан биргаликда бу ерда «Фарғонаавтойўл», «Тошавтойўл» ҳудудий шуъба ташкилотлари, Тошкент шаҳридаги «Автомагистрал» махсус йўл таъмирлаш ва қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам иштирок этишаяпти. 200 дан ошиқ турли русумдаги транспорт воситалари тупроқ ва шибалаш ишларида қатнашишяпти.

Йўл қурилишида уч навбатли иш ташкил этилган. Йўлсозларнинг унумли ишлашлари, дам олишлари учун шароит яратиб берилган. Хизмат сафарига келган бунёдкорлар ётоқхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари билан таъминланишган. «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси бу борада етакчилик қилиб келаётир. Хусусан йўлсозлар 3 тадан ортиқ кўприкни рисоладагидек барпо этишди.

Истиқлолимизнинг 13 йиллиги олдидан бунёд этилган бу равон йўл авлодларга хизмат қилиши билан бир қаторда, Мирзачўл заминини сайёҳлар назарига тушишини ҳам таъминлайди. Йўл атрофини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ҳам режалаштирилган.

**Мусо ИСМОИЛОВ,**
**Мирзаобод туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**

---

***«Жиззахавтойўл» ҳудудий шуъба ташкилоти балансида бугун жами 2540 километр масофадаги умумфойдаланиш йўл бўлиб, шундан 170 километри халқаро, 1521 километри республика, 849 километри маҳаллий аҳамиятдаги йўл ҳисобланади. Асосий вазифа – ана шу мавжуд йўлни таъмирлаш, сақлаш ва кўкаламзорлаштиришдан иборат.***

*Бунёдкорлик*

# ЖИЗЗАХЛИК ЙЎЛСОЗЛАРНИНГ бугуни ва эртаси






Жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида 215 километр узунликдаги йўлда таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга оширилди. Бошқача қилиб айтганда, 1 миллиард 575 миллион сўмлик иш бажарилди. Бунга Бўстон йўлдан фойдаланиш бошқармаси, Дўстлик, Зомин, Ғаллаорол, Жиззах туман автомобил йўл бошқармалари жамоалари катта ҳисса қўшдилар.

Айни пайтда А-376 «Қўқон-Жиззах» йўлида ўрта ва жорий таъмирлаш ишлари кетаяпти. 50 километр масофадаги бу ишларни олиб боришда Бўстон йўлдан фойдаланиш бошқармаси, Жиззах, Зомин туман автомобил йўл бошқармалари фаол иштирок этишаяпти. Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида бу йўл тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Вилоят йўлсозлари кўприклар қурилишига ҳам алоҳида эътибор беришаяпти. Авваллари Фориш тумани ҳамда Навоий вилоятини боғловчи йўл 60 километрлик масофани ташкил қилган бўлса, Жиззах-Чимқўрғон-Арнасой кўрфази йўналишида қурилаётган 72 погонометрлик кўприк бу масофани атиги 26 километрга келтириш имконини яратади. Демак, одамлар узоғи яқин бўлади.Шунингдек, Даштобод-Зомин-Супа-Бахмал-Ғаллаорол автомобил йўлининг 130 километрида 45,7 погонометрлик ҳажмда кўприк қурилиши поёнига етмоқда.

Биз вилоят йўл-лойиҳа маркази раҳбари Абдужаҳон Эрназаров ҳамроҳлигида Жиззах туман йўлсозлари ҳузурига етиб келганимизда қуёш ўзининг жазирама тафти билан борлиқни бағрига олганди. Шунга қарамасдан, Жиззах шаҳрига кираверишда «4р-3р» шартли рақамдаги йўл таъмирланаётганди. Йўлсозлик устаси Жамшид Жабборов ҳамкасблари ҳақида шундай дейди:

– Қисқа муддатда 3,6 километр масофадаги ишларни амалга оширдик. Фарҳод Шаропов, Ўктам Примқулов, Исоқ Юнусов, Мухтор Донаев, Асқар Эштемировларнинг каби ишчиларимиз жонбозликлари туфайли иш жадал бормоқда. Кунига 300-350 тонна асфальт-бетон ётқизилмоқда.

Бу ерда Германияда ишлаб чиқарилган замонавий, қудратли йўлсозлик техникалари ишлаб турибди. Улардан бири асфальт ётқизса, иккинчиси оғир вазни билан зичлаб бораяпти. Йўлсозларнинг ўз касбига меҳри, Ватанга муҳаббати, эл-юрт манфаати йўлидаги толмаслиги сахий қуёш тафтиданда кучли ва ёрқинроқ эканини ҳис этдик.

Ушбу ташкилотда мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Касаба уюшма фаол Бектемир Худойбердиевнинг таъкидлашича, йўлсозлар меҳнатига яраша ўз вақтида рағбат ҳам топишаяпти. Ҳар бир ходим ижтимоий-иқтисодий, моддий-маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қуршовида. Бунда жамоа шартномасининг ўрни беқиёс. Шу билан бирга маъмурият ҳамкорлигида «Меҳнат муҳофазаси», «Маънавият ва маърифат», «Меҳр ва мурувват йили» дастурлари қабул қилинган бўлиб, шу асосда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ходимлар саломатлигини тиклаш йўлида 530 минг сўм сарфланди, ижтимоий ночор қарияларга моддий ёрдам кўрсатилди, ишчи-хизматчилардан 2 нафарига касаба уюшма маблағидан, 7 нафарига йўлланма корхона ҳисобидан бепул берилди. Кам таъминланган оила фарзандлари учун ўқув юртларига 879,6 минг сўм маблағ шартнома учун ўтказиб берилди. 6 нафар ёлғиз нафақахўрларнинг турар-жойи таъмирланишига 172,6 минг сўм маблағ сарфланди. Ишловчи аёлларга туғишгача ва туғишдан кейин 3 кунлик ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек, кўп болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соатга қисқартириш жорий этилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги 15 нафар болага оромгоҳларга йўлланмалар бепул берилди.

Ходимларни ижтимоий ҳимоялашда ташкилотнинг ёрдамчи хўжалиги аҳамияти катта бўлаётир. Унда 56 бош қўй-қўзи, 6 бош қорамол парваришланмоқда. Иссиқхона ишлаб турибди. Гўшт, сут ва резавор маҳсулотлар одамларга имтиёзли нархларда тарқатилаяпти.

«Меҳнат муҳофазаси» Дастури асосида амалга оширилаётган ишлар туфайли бахтсиз ҳодисалар кескин камайди. Шу мақсадга харажатларнинг тўғри сарфланиши муваффақиятни таъминламоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Ислоҳот инсон учун*

# БИРВАРАКАЙИГА УЧТА ҚВП

***Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айни чоғда тизимда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.***

Ушбу ислоҳотлардан кўзланган биринчи мақсад – мавжуд шифохоналарни жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббиёт муассасаларини билимли, малакали шифокорлар билан таъминлашдир. Иккинчи йўналиш – аҳоли яшаш жойи, бошқача айтганда, қишлоқларда малакали тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишдир.

Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, Юқори Чирчиқ туманида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Масалан яқинда, туманнинг «Гулистон» ва Аҳмад Яссавий номли ширкат хўжаликларида бирваракайига учта қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Шулардан бири «Гулистон» ширкат хўжалиги ўрамидаги «Жумабозор» қишлоғида фойдаланишга топширилди.

Қишлоқда 6518 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 4123 нафари катта ёшдаги кишиларни ташкил этса, 1621 нафари туғиш ёшидаги аёллардир. 2081 нафари эса 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ҚВПда биринчи марта жисмоний тарбия хонаси очилди. Саломатлик масканида гинекология, стоматология ва бошқа хоналар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

– Қолган қишлоқ врачлик пунктлари Оқовул ва Жалолтепа қишлоқларида ишга туширилди, – дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Дамира Эшимбетова. – Натижада қишлоқ аҳолиси кўп йўл босиб, туман марказига қатнашдан қутилишди. Бу айниқса, Жалолтепа қишлоғига тегишли. Чунки қишлоқ туман марказидан 25 километр узоқликда жойлашган.

Барча саломатлик масканларида физиотерапия, клиник лаборатория, эмлаш ва бошқа хоналар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, бу жойларда кундузги стационар ҳам ишлаб турибди.

Туманда яқинда яна бир ҚВП ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу «Наврўз» маҳалласида бўлиб, октябр ойида фойдаланишга топширилади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Репродуктив саломатлик*

# ОЛИС ОВУЛЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди «ЮНИСЕФ» томонидан «Бехатар оналик», «Она ва болага дўстона муносабат» дастурларининг амалга оширилиши Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида оналик ва болаликни муҳофазалашни кучайтириш имконини берди. Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Нукус филиали ходимлари аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.***

Институт туғруқ мажмуаси шифокори, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Аниса Саидованинг таъкидлашича, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оила тиббий маданиятини яхшилаш, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Орол минтақасидаги экологик ҳолат ва атмосфера ҳавосининг булғаниши, туғиш ёшидаги аёлларда учраётган камқонлик ва экстрегенитал касалликларининг вужудга келиши тиббий хизмат кўрсатишни замонавий талаблар даражасига кўтаришни тақозо этади.

– Репродуктив саломатлик ва ҳуқуқ тушунчалари 1994 йили Қоҳирада БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ва 170 та давлат намоёндалари иштирокида бўлиб ўтган конгресда қабул қилинган, - дейди биз билан суҳбатда Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош акушер-гинекологи Мурод Бобожонов. – Репродуктив саломатлик фақат касалликлардан ҳоли бўлиш эмас, балки оилада эркак ва аёлнинг жисмоний, ижтимоий ва руҳий жиҳатдан турмуш тарзининг шаклланиши ҳамдир.

Республика туғруқ мажмуаларида «Оналар мактаби» ташкил этилганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 242-сонли қарорига мувофиқ барча мактаб ва коллежларда ўсмирлар учун репродуктив саломатлик ва ҳуқуқ бўйича 16 соатлик ўқув дастури ўқитилганлиги бу соҳадаги билимларни янада мустаҳкамлади.

1999 йилда ташкил этилган «Аёллар маслаҳатхонаси»да ишлаётган шифокорлар хотин-қизларнинг яқин кўмакдошига айланган. Масканда ултратовуш, рентген, ЭКГ, физиотерапия, уқалаш, лазер, кольпоскопия хоналари ишлаб турибди.

Маслаҳатхонада беморлар пухта текширилиб, даволаниши учун йўлланма берилади, дори-дармонлар билан таъминланади, фарзанд кўрмай юрган аёллар ва уларнинг турмуш ўртоғлари кўрикдан ўтказилади.

Турли мутахассисдаги шифокорлардан иборат махсус гуруҳ олис овулларда бўлиб, хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатади. Шифоатхона мудири Тамара Ернazарова бошчилигидаги Гулнора Камолова, Мадиёр Сафарнизёов, Дамиҳа Сарсенбоева, Қаҳрамон Қобулов сингари малакали шифокорлар Шуманай ва Чимбой туманларига бориб, мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёлларни кўрикдан ўтказиб, керакли муолажаларни амалга оширдилар.

Нукус шаҳридаги «Она ва бола скрининги» маркази ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни оммавий текширув йўли билан наслий касалликлар ва ривожланишнинг туғма нуқсонларини аниқлаш, ҳар хил хасталиклар, ногиронлик сонини камайтириш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли ишларни олиб бораяпти. Ҳар бир бемор эндокринолог, генетик, неврапотолог ва гинеколог кўригидан ўтказилади.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси Япония ҳукуматининг гранти ҳисобига янги туғилган чақалоқлар қонидаги туғма гипотереоз ва фенилкетонурия касалликларини аниқловчи воситалар тўпламига эга бўлган «Дельфия» ташҳис лабораториясини тақдим этди.

Беморларга юқори малакали хизмат кўрсатилаяпти. Нукус шаҳридан Жариной Жавкаштиева, Гулчеҳра Алиёрова, Беруний туманидан Ойдин Камолова, Амударёдан Гулжанат Тлеубаева каби болаларда аниқланган хасталиклар даволаниб, соғлом ўсишига эришилди.

Қўнғирот шаҳрида яшовчи 31 ёшли Венера Минайҳадарова ҳомиласининг соғлом эмаслиги хусусида мурожаат қилган эди. Аёл камқонлик ва эндокрин безлари хасталиги бўйича тўлиқ тиббий муолажа олди. Элликқалъа тумани Бўстгон шаҳрида яшовчи, 27 ёшли Гулмира Норбоева ҳам шифокорлар муолажасидан сўнг соғайиб кетди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

– Мутахассисларимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларида бўлиб, туғиш ёшидаги аёллар ҳамда ўсмир қизлар билан суҳбатлар уюштирдилар, - дея суҳбатни давом эттиради «Она ва бола скрининги» маркази директори Амина Қаландарова. – Фойдали маслаҳатлар ва муолажалар самара бераяпти. Туғма нуқсонли ва ногирон болалар туғилиши сезиларли даражада камайди.

Марказ жамоаси Хоразмнинг Урганч, Қорақалпоғистоннинг Амударё, Хўжайли туманлари, Тахиатош шаҳридаги кам таъминланган оилалар ҳамда болалар «Мурувват уйи»га бориб, ўғил-қизларни кўрикдан ўтказдилар. 40-махсус болалар боғчаси тарбияланувчиларининг соғлиғи текширилиб, бўқоқ касаллигини даволовчи дори-дармонлар тақдим этилди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар камқонлик йод ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олиш, бўлажак наслнинг соғлом, тўлақонли ривожланишини таъминлаш, ҳомиладор аёллар ва ўсмир қизларнинг хасталиклардан фориғ бўлиши, келажак авлод генофондининг шаклланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ





## Барча тармоқ ходимларини юртимиз Мустақиллигининг 13 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади







*Мустақиллик — тақдиримизда*

# ЧИРОҒИНГ ЎЧМАСИН, ОЗОДЛИК...

Баъзан ўз-ўзимдан сўрайман:

–Озодлик бизга нима берди?

Кўзимни очсам ҳам, юмсам ҳам шу сўроқ тафаккурим кўзгусида тинмай айланаверади. Сўнг тарихий китобларни варақлайман, эски ёзувларни ўқий бошлайман. Мана, Абдурауф Фитратнинг ўтган аср бошларида ёзган «Юрт қайғуси» асаридан бир парча:

«Улуғ Туркистон!.. Мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурга рози. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман. Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!»

Она юрти учун ҳатто жонидан кечмоққа тайёр бундай ўғлонлар озмиди? Йўқ, улар жуда-жуда кўп, муборак номлари ҳали-ҳануз мозий осмонида ёруғ юлдузлардек чарақлаб турибди! Ҳамма-ҳаммаси Ватан озодлигини орзулаб яшаган. Ва азиз умрларини эрк йўлида қурбон қилаётиб, бизга сўнгги сўзларини айтиб қолдирганлар.

...Яқинда чет эл сафаридан қайтган танишларимдан бири ўз таассуротларидан сўз очиб, деди:

– Жуда гўзал жой экан, табиатига боқсангиз нақ жаннат дейсиз. Иқлими мўътадил, мевалари олтиндай товланади, кишилари хушмуомала. Бизни кулиб қаршилашди, меҳмон қилишди, сайру саёҳатларга бошлашди. Бироқ, икки-уч кун ўтиб кўнглимизда бир бўшлиқни сездик. Ҳеч нарсага қиё боқмай, маъюс бўлиб қолдик. Кейин билсакки, ҳар биримиз Ватанни қаттиқ соғинаётган эканмиз! Тезроқ уйга қайтиш тараддудида бўлдик. Бизни олиб қайтаётган самолёт ҳам назаримда жуда секин учаётгандек эди. Ўшанда ҳис қилдим, агар ўлдирса одамни юрт соғинчи ўлдираркан!

Танишимнинг сўзларини тинглаётиб, шундай манзаралар кўз олдимдан ўтди:

...Улкан самолёт ерга қўнди. Йигирма чоғли киши зинадан илдам-илдам тушиб, сўнг юзтубан ётиб олишди. Қай бири тупроқни тавоф қилиб кўзларига суртган, қай бири пешонасини ерга ишқаб йиғлаган, қай бири «Аллоҳга беадад шукр» дея пичирлаган... Бир пайтлар тақдир тақозаси билан хорижда яшаб қолган, истиқлолдан сўнг она юрт зиёратига келган ватандошларимиз эди улар!

***Бу манзаралар шунчаки рўё эмас, ҳақиқат.***
***Ватаннинг улуғлигига, Ватаннинг азизлигига бир ишора.***
***Энди ўз саволимга ўзим жавоб бера бошлайман:***
***– Озодлик бизга Ватанни англаш саодатини берди!***

Ватан бизники. Уни шодликлари билан бирга севамиз. Оғриқлари билан бирга севамиз. Мўъжизалари ҳам, ташвишлари ҳам фақат ўзимизники!

– Озодлик бизга «ўзимизники» деган сўзни баралла айтмоқ имконини берди!

Кечаги кунларнинг яхшиликларини эътироф этаман. Бироқ, ёмонликлари болалик хотираларимга соядек эргашади.

...Қишлоғимизда жуда катта бир боғ бор эди. Йил бўйи шу боғдан асалнинг иси келарди. Юз бир хил анвойи мевалари бутун қишлоқликларга етиб ортарди. Бир куни «боғ бузилиб, ўрнига пахта экилармиш» деган гап тарқалди. Қишлоқ кексалари аввал бунга қарши чиқишди. Лекин сўз битта: «Юқоридан буйруқ бор!»

Ўша кунни ҳеч унутолмайман. Кучли тракторлар ҳайқириб боққа қараб наъра тортар, биз шохларида арғимчоқ учган бақувват дарахтлар битта-битта қулаб тушарди. Ҳаммамизга ёзу қиш сахий она каби мурувват кўрсатган боғ ўрни теп-текис майдонга айланди...

Севимли боғ энди йўқ. Унинг ям-яшил суратигина кўз олдимизда бир умрга муҳрланиб қолди.

Кечаги кунларда мен мактабда фақат «аъло»га ўқирдим. Сарғайиб кетган расмим «аълочилар» тахтасида йиллаб осиғлик турарди. Кундалик дафтарим «беш»ларга тўла эди. Лекин... Ҳар куни ўқитувчи ва синфдошларим олдида баралла товуш билан Амир Темурнинг «қонхўр ва золим»лигини такрорлардим. Юрт озодлиги йўлида қон тўккан боболарим номини «босмачилар» қаторида бирма-бир санаб берардим. Ўзга халқлар тарихини сув қилиб ичиб юборардиму ўз юртимнинг қаҳрамонлари ҳақида ҳеч нарса билмасдим.

Бизга ҳақиқатни айтишмасди.

«Беш»ларимиз эса тобора кўпаяверарди...

Фермада сут соғувчи бўлиб ишлайдиган Солия холам бир куни мендан сўраб қолдилар:

– Мустақил бўлдик, деб кўп гапиришади. Шуни менга яхшилаб тушунтириб бер!

Мен шоша-пиша гапира кетдим. Турли ўзгаришлар, мўъжизалар, дунё эшикларининг бизга кенг очилгани, ёшларимизнинг хорижда ўқиб, ишлаётгани, кўчаларда ғизиллаб юрган ўз машиналаримиз, ўз самолётларимиз, улкан қурилишлар, бунёдкорликлар...

– Мен буларнинг барисини эшитганман. Фақат мустақиллик деган сўзнинг мағзини чақа олмай...

– Юртимиз озод бўлди дегани-да бу, – давом этдим мен. –Бойликларимиз ўзимизники, қўлимизни қаёққа узатсак етади. Ўзбек ўзига бек халқ бўлди, энди!

Қадимдан қолган шундай ҳикоят бор:

Очлигу ташналикдан ўлар ҳолатга етган бўри дала йўлида юнглари ялтиллаган итга дуч келибди. «Кўринишинг ёқимли, бунга қандай эришдинг?» деб сўрабди ундан бўри.

– Мен хожамнинг уй-ҳовлиларини қўриқлайман, эвазига улар мени лаззатли таомлар билан сийлашади. Истасанг юр, биргаликда хизмат қиламиз.

Бўри унга эргашиб кетаётиб итнинг бўйнидаги тасмага кўзи тушибди. «Бу нима?» деб сўрабди.

–Хожам бўйнимга занжир осиш учун бу тасмани боғлаб қўйган, – дебди ит.

– У ерда занжир бўлса мен бормайман, – дея ортига тисланибди бўри. – Ўз эркимни бир бурда нонга алишмайман!

Алқисса, дунёда озодликдан кўра қимматлироқ бойлик йўқ!

Озодлик – Аллоҳ томонидан бизга ато этилган энг тансиқ неъмат.

Уни асрамоғимиз, ҳар бир имконини, ҳар бир эзгулигини қадрлашимиз лозим. Зеро, истиқлол бизга юртни севишни, юрт учун фидо бўлмоқликни ўргатди.

Кўнгилларга ёққан чироғинг асло ўчмасин, Озодлик!

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

*31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

***Халқимиз ўз тарихи давомида не-не қатағонларни бошидан кечирмади. Тарихнинг энг қора саҳифаларидан бири эса чор Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилишидан бошланди. Мустабид сиёсат қанчадан-қанча одамларни уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айирди. Ҳадик, адолатсизлик, зуғум боис уларнинг яқинлари, оила аъзоларининг боши кулфатдан чиқмади. Кимларгадир «халқ душманининг оила аъзоси» деган тавқи лаънат юкланди. Бундайлар ҳар қадамда хўрланар, энг ёмони улардан барча ўзини олиб қочарди. Қатағон фақат зиёлиларни ўз домига тортмади, истибдод оловида хўлу қуруқ баробар ёнди.***

# ХАЛҚ ТАРИХИЙ ХОТИРАСИ БИЛАН ҚУДРАТЛИ

Қатағон қурбонлари хотираси музейида сақланаётган маълумотларга қараганда, аслида бу фожеа истилочилар мамлакатимизга кириб келган даврлардан бошланган. Чор истибдодига қарши чиққан ота-боболаримиз «Сибир»га сургун қилиниши билан биринчи қатағон бошланган. Сўнгра 20-йилларда аҳолининг зиёли қисми ҳисобланмиш жадидларни айблаб қамаш бошланган. 1922-29 йилда эса диндор, мулкдорлар қулоқ қилинган, 30-йиллардан бошлаб давлат арбоблари, ёзувчи, шоирлар душманга чиқарилиб қамалди. Бу қатағон 40-йилларгача давом этган. Уруш тугагандан кейин яна қама-қамалар бошланди.

Мустабид тузум ҳатто ўз инқирози арафасида ҳам ўзбек диёрига қонхўр элчиларини юбориб, сўнгги қатағонини амалга оширди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ниқоби остида юзлаб одамлар ноҳақ қамалди. Хуллас, шўро даврида халқимиз боши ташвишдан чиқмади. Фақат мустақиллик шарофати билан адолат ва ҳақиқат тикланди. Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлган табаррук инсонлар номи оқланди, уларнинг яқинлари, фарзандлари, набиралари кўксига шамол тегди. Аммо ҳали ҳануз қатағон хотиралари қалбларни ларзага солади, аччиқ хотиралар замирида эса тарихий хотира бош кўтаради. Уни ўқиган ва уққан авлод эса Мустақилликни теран идрок этиб, озодликнинг қадрига янада кўпроқ етади.



Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан хиёбонда катта ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Республикамизнинг турли бурчакларидан келаётган зиёратчилар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Улардан бири Бухоронинг Шофиркон туманидан ташриф буюрган Қамбар ота Эргашевдир. 75 ёшнинг остонасида турган отахон умр йўлдоши Зубайда хола билан «Шаҳидлар хотираси» хиёбонини зиёрат қилаётганларида учратдик. Отахоннинг айтишларича, у кишининг падари бузруквори Эргашбой бобо ўз даврининг тадбиркор, ишбилармон, бадавлат кишиларидан бўлган. Бир кечада отаси ва амакисини давлат одамлари олиб кетганича, бедарак кетишган. Уларнинг мол-мулки давлат томонидан мусодара қилинган.

Отахоннинг кўзларида ёш қалқийди, хотиралар исканжасида оғир тин олиб, бошини тебратганча армон билан сўзлайди.

– Ўз юртимизда қул, ўз мулкимизга эга эмас эдик-да, ўшанда. Истаганча хўрлашар эди. Ҳамманинг тили боғлиқ, халқ ҳадик ичида яшар эди. Ҳеч эсимдан чиқара олмайман. Ана шу ҳадик, қўрқув асорати онажонимни умрларининг охиригича таъқиб этди. Айни ўйнаб-куладиган ёшлик онларим заҳру заққумга айланди. Мактабдан кела солиб далага чиқардим. Топганим рўзғорга ҳам етмасди. Торгина зах уйда яшардик. Оёғимизда йиртиқ этик, эгнимиз юпун бўлса-да, бахтиёрмиз деган сўзни тилдан қўймасдик.

Одамдан бойлик, мартаба, шону шуҳратни тортиб олиш мумкин экан-у, эътиқодни, ҳеч ким, ҳеч қачон ўзлаштиролмас экан. У авлодлар тимсолида қайта туғилавераркан. Мана боболаримиз кутган кунларга шукурки, биз етдик. Илойим бахтимиз барқарор, она юртимиз, Юртбошимиз омон бўлсин.

Ҳа, Қамбар ота, Зубайда биби на қабри, на қадри бўлган яқинларининг ҳурматига ўрнатилган рамзий қабрни кўзда ёш билан зиёрат қилишди.

– Мана орадан шунча йил ўтиб бедарак кетган отамни топгандек бўлдим, – дейди Қамбар ота Эргашев. – Юрак-юракдан ҳис қилдимки, минглаб шаҳид кетганлар қатори отам, амаким ва қишлоғимиздан ўтган бегуноҳ одамларнинг руҳлари шу гўзал манзилда мангу қарор топгандай. Озодлик, тинчлик, қолаверса, элпарвар Юртбошимиз бўлмаганда бундай хайрли ишлар рўёбга чиқармиди?! Бугун зиёратгоҳ ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Кимдир шаҳид кетган ота-онасини, бобосини, яна биров яқин қариндошининг руҳини шод этиш ниятида. Ёшлар эса бу зиёратгоҳга маънан юксалиш, руҳан покланиш, миллатпарвар боболарига муносиб ворис бўлиш учун ошиқадилар. Шарқ меъморчилигининг энг яхши анъаналари асосида барпо этилган музейда халқимизнинг чор истилоси даврида бошдан кечирган даҳшатли жабру ситамлари, қатағонларидан шаҳодат берувчи экспонатларни томоша қилиб ўша машъум даврлар даҳшатини кўнгилдан ўтказишади. Бугунги саодатли кунлар осонликча қўлга киритилмаганлигини теран англаб, Мустақилликнинг қадрига янада чуқурроқ етадилар.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# «ХИВА ДУРДОНАЛАРИ»



***Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, адабиёт ва шеърият маскани ҳамда дунёвий илм ўчоғларидан бири ҳисобланади. Хоразм воҳасининг маданий-тарихий мероси бевосита Хива шаҳри билан боғлиқдир.***

***Марказий Осиёнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири бўлган Хива Амударёнинг чап соҳилида жойлашган. У бутунлигича сақланиб қолган нодир обидалар шаҳридир.***

***1976 йилда Хива қўриқхонаси деб эълон қилинди. 1990 йилдан бошлаб ЮНЕСКО томонидан тарихий обида деб эътироф этилди.***

***Бундан ташқари, Хива тарихий обидалари, осмонўпар миноралари билан дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларни ўзига жалб қилади. Бу ерда улар учун барча шароитлар яратилган. Хон саройлари, музейлар, савдо расталари, халқ ҳунармандлиги, турли кўргазмалар доимо халқ хизматида.***

Р.ЖУМАНИЁЗОВ
(ЎзА) олган суратлар





*Каратэ*

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ АРАФАСИДА

Телевизор орқали «Яшин тезлигида ривожланаётган —каратэ» деган реклама роликини кўп кўрганмиз. Ҳақиқатдан-да бугун каратэ Ўзбекистонда яшин тезлигида ривожланмоқда. Вакилларимиз Осиё ва жаҳон биринчиликларида совриндорлар сафидан жой олмоқда. Бу, албатта, Ўзбекистон каратэ Федерациясида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг натижасидир. Мамлакатимизда ўтказилаётган турли турнирлар ва чемпионатлар ҳам бу борада маҳорат мактабини ўтамоқда.

Ўтган шанба куни «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан иккита жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Кумитэ ва ката баҳслари бўйича чиқишлар жуда қизиқарли кечди. Унда иштирок этган каратэчи қизлар ва ўғил болалар ғолиблик учун астойдил тер тўкдилар. Якка ката баҳсларида Осиё чемпиони Отабек Қосимовнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. У азалий рақиби Илҳом Каримовни ортда қолдирди. Кумитэ баҳсларида ҳам Отабек ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. 65 килограмм вазнда қатнашган Илҳом Каримов эса якка кумитэ жангларида самарқандлик А. Акоповни мағлубиятга учратиб, зафар қучди. Қолган вазнларда кумитэ баҳсларида Дониёр Қурбонбоев , Ёрқин Қурбонбоев, Фарҳод Аҳметов, Жасур Жамилов, Ирик Бухарбоев ва Ихтиёр Шароповлар ғолиб чиқдилар.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда якка кумитэ бўйича қашқадарёлик Люция Бойбулатова кучли спортчилардан эканлигини яна бир карра исботлади. Қолган баҳсларда ўз вазн тоифасида Ситора Рафиева( Самарқанд) ва Дилфуза Акбарова-(Наманган) лар ғолиб чиқишди. Бу сафарги чемпионатда илк бора халқаро каратэ Федерацияси томонидан тақдим этилган янги ҳимоя воситаси синовдан ўтказилди.

Чемпионат якунида Ўзбекистон миллий каратэ Федерацияси президенти Нурхон Нафасов иқтидорли спортчилар Отабек Қосимов ҳамда Илҳом Каримовга халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини топширди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу чемпионат яқинда Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати арафасида ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.

**А. МАМАЖОНОВ**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети томонидан 1994 йилда Фозылбеков Бекзод Атхамбекович номига берилган 005239 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Футбол*

# ДУРАНГ ҚАЙД ЭТИЛМАГАН ТУР

Бугун футбол мухлислари учун зерикишга ҳечам вақт бўлмаса керак. Чунки айни кунларда давом этаётган олимпиада баҳслари футбол турнири, кўҳна қитъада бошланган баъзи мамлакатлар чемпионатлари, қолаверса, миллий биринчиликлар қизғин паллага кирди. Олимпиада ўйинларида кутилмаган натижалар қайд этилмоқда. Бунга Ироқ терма жамоасини мисол келтириш мумкин. Улар дастлабки ўйинда Португалияни 4:2 ҳисобида мағлуб этиб, шов-шувга сабаб бўлган бўлса, гуруҳ баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, чорак финалга йўл олдилар. Кеча ярим финалга йўл олган дастлабки икки жамоа номи маълум бўлди. Улар Аргентина ҳамда Парагвай жамоаларидир. Энди қолган икки жамоа номи маълум бўлгач, ажойиб футбол спектаклини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шундай қизиқарли ўйинлар мухлисларни кутиб турганда, миллий чемпионат ўйинларига қизиқиш бироз сусайгандек туюлиши табиий. Бироқ, чемпионат ўйинларининг ҳам ўз ўрни бор. Чунки халқаро мусобақалар тез фурсатда якунига етади. Шунда яна миллий чемпионатлар ўз жозибаси билан бизни маҳлиё этади.

Ўтган шанба куни футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Чемпионат карвонбошиси «Пахтакор» жамоаси Бекободда «Металлург» меҳмони бўлди. Ўйин бошиданоқ пахтакорчилар ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Биринчи бўлимнинг 24-дақиқасида Леонид Кошелев ва 26-дақиқасида Гочкули Гочкулиевлар томонидан киритилган икки тўп учрашув тақдирини ҳал этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Насаф» - «Қизилқум» 3:2
«Трактор» -«Самарқанд-Д» 2:0
«Бухоро» - «Сўғдиёна» 1:2
«Навбаҳор» - «Машъал» 1:0
«Сурхон» - «Нефтчи» 1:2
«Локомтив» - «Андижон» 3:2

**15 -турдан кейинги турнир жадвали**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **16** | **15** | **1** | **0** | **52-6** | **46** |
| **2.«Нефтчи»** | **15** | **13** | **0** | **2** | **35-16** | **39** |
| **3.«Навбаҳор»** | **15** | **12** | **1** | **2** | **40-9** | **37** |
| 4.«Насаф» | 15 | 11 | 1 | 3 | 31-16 | 34 |
| 5.«Локомотив» | 16 | 6 | 4 | 6 | 20-17 | 22 |
| 6.«Трактор» | 15 | 7 | 1 | 7 | 21-28 | 22 |
| 7.«Бухоро» | 15 | 6 | 1 | 8 | 17-29 | 19 |
| 8.«Сурхон» | 15 | 5 | 1 | 9 | 17-24 | 16 |
| 9.«Сўғдиёна» | 15 | 5 | 1 | 9 | 13-28 | 16 |
| 10.«Металлург» | 15 | 4 | 2 | 9 | 15-30 | 14 |
| 11.«Қизилқум» | 15 | 3 | 4 | 8 | 18-29 | 13 |
| 12.«Андижон» | 15 | 4 | 1 | 10 | 17-33 | 13 |
| 13.«Машъал» | 15 | 3 | 2 | 10 | 17-26 | 11 |
| 14.«Самарқанд-Д» | 15 | 2 | 0 | 13 | 13-33 | 6 |

## МАКТАБ БОЗОРИ

«Қорақалпоқтутинув» акционерлик компаниясига қарашли савдо ташкилотлари барча туман марказларида мактаб ярмаркалари ташкил этди.

Уларда шу кунгача 30 миллион сўмлик дарслик, ўқув қуроллари ва кийимкечаклар сотилди.

*Буюк аждодларимиз*

***Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг асли исми Насириддин Убайдуллоҳ Шоший Самарқандий бўлиб, «Убайдуллоҳ Аҳрор» ёки «Хожа Аҳрор» (ҳурлар шайхи) номлари билан машҳур. Қалби дунёга боғликликдан ва икки олам қайғусидан фориғ бўлганлиги учун ҳам унга шундай тахаллус беришган.***

# ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор кўпинча таъкидлар эди. «Бу тариқати олийяи Нақшбандия ҳақиқат йўлидир. Ҳақни ҳаққи билан идрок қилиш, унга тугал маънода имон келтириш, буйруқларига тобеъ бўлиш ва қайтариқларидан қайтиш йўлидир. Хоҳ хилватда, хоҳ жамоатда бўлсин, бу талабларга риоя қилиш керак. Ёлғиз қолганда айбу гуноҳ қилган ва масъулиятдан қайтган киши бу йўлга мансуб эмас. Гуноҳи кабира қилувчилар ҳақиқий исломиядан йироқлашган бўлади. Йўлимиз соликлари бу нуқталарга қаттиқ эътибор берганлар. Имтиёз рухсатлар билан эмас, эҳтиёт юзасидан амал қилганлар ва хавфу ражо орасида титраганлар. Бу йўлга ҳазил ва лоқайдлик билан ёки заррача бўлса-да, ёмон майл билан муомала кўрсатилмайди. Яширин қилинган гуноҳни халқ кўрмаса, Холиқ кўради. Холиқ кўриб турганини билган мўмин гуноҳ қилолмайди. Холиқ кўрмаётир деб ўйласа, у мўмин эмас. Иффат, номус ва ҳаром мавзуларда мўминлар ҳар лаҳза ҳушёр бўлишлари керак. Киши ўзини, жуфтини, дўстини назорат қилмоғи даркор. Бирор нуқсон кўрса, насиҳат қилиши ва насиҳатини доим давом эттириши лозим. Насиҳатга амал қилмаса, ундан алоқани узиш керак... Исломий асосларга ва бу тариқати олия одобига холисона риоят қилмасдан, Ҳақ сирига, завқига ва тавфиқига эришолмаганларнинг абадий саодатдан насибалари йўқ. Бу йўл-ихлос, эҳсон, истиқомад ва одоб йўлидир.»

Хожа Аҳрор ҳукмдорлар орасида обрў-эътибор ва ишонч қозонган эди. Бунинг сабабларидан бири, Хожа Аҳрор ўзининг одилона маслаҳатлари, сулҳга ундовчи мактублари орқали шаҳзода ва мирзоларни яраштириб, мамлакатдаги кўпгина қонли урушлар, ички зиддият ва низоларни олдини ола билганлиги эди. Шу боис бўлса керак, баъзи ҳукмдорлар, хусусан, Абу Саид ва унинг фарзандлари Султон Аҳмад ва Умар Шайх Мирзолар Хожа Аҳрорни этагини тутган эдилар. Унинг эзгу маслаҳатларига юрмаганлар эса, албатта, Худонинг ғазабига ва халқнинг қарғишига учрар эдилар.

Шоҳрухияни қамал қилиб, теварагини талон-тарож этган бир неча минг кишилик мўғул лашкари Хожа Аҳрорнинг даъвати билан мусулмон бўлиб, таланган мол-мулкни эгаларига қайтаради.

Минтақада тинчлик-хотиржамликни сақлашда фаол бўлгани учун Хожа Аҳрор ҳаж сафарига бориш учун имкон тополмайди.

Хожа Аҳрорнинг тарихий хизматлари асосан шундан иборатки, ў халқ, мамлакат, дин ва юрт равнақи учун илму маърифати, жонию моли билан хизмат қилган йирик шахсдир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валийдан бизга қадар унинг қаламига мансуб «Фиқарот», «Рисолаи ҳавроия», «Рисолаи волидия», «Руқаот» (Мурасалот) каби асарлари етиб келган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида кўплаб асарларда маълумотлар мавжуд. Уларнинг кўпи халифалари ва муридлари томонидан битилган. Мир Абдулаввалнинг «Масмуот», Муҳаммад қози Самарқандийнинг «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин», Фаҳриддин Али Сафийнинг Хожа Аҳрорга махсус бағишлаб ёзган «Рашаҳот айн ул-ҳаёт», Мавлоно Шайхнинг «Маноқиби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор», Муҳаммад Амин Каркийнинг «Малфузоти Аҳрор» каби асарлари шулар жумласидандир.

XVI асрда яшаб ижод этган Султон Аҳмад Ҳазиний ўзининг «Жавоҳир ул-аброр» асарида бошқа кўплаб машойихлар қатори Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таърифига ҳам алоҳида тўхталади.

«Жавоҳир ул-аброр»дан ўрин олган Хожа Аҳрорнинг «Ҳар тонг ва шом қулоғимга Занги отанинг мозори тупроғидан «Оллоҳ» зикр-фарёдининг самога юксалиши эшитилади» каби сўзлари, шунингдек, унинг яссавия издоши Шайх Ходим билан дўст тутингани ҳақидаги маълумотлар Хожа Аҳрорнинг яссавий шайхлари билан нечоғли самимий ва дўстона муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Хожа Аҳрор диннинг амр ва тақиқларига ниҳоят даражада қаттиқ риоя қиладиган сўфий эди. Тасаввуф йўлида илгарилаш фақат Қуръон ва суннатга амал қилиш орқалигина рўёбга чиқади, деган мустаҳкам эътиқодга эга эди. Хожагон йўли шариат рухсат берган имтиёзлар эмас, балки ҳиммат кўрсатиб хизмат қилиш ва тақво йўли эканини таъкидларди.

Хожа Аҳрор одамларга, айниқса, фақиру ҳақирларга ёрдам беришни севадиган қўли очиқ, саховатли инсон эди. Ёшлигида беморларга қарар, уларнинг юқумли касалликлари юқса ҳам хизматини асло тўхтатмас эди.

**Сайфуддин САЙФУЛЛОҲ,**
**Нодирхон ҲАСАН,**
**филология фанлари номзодлари**
**(Давоми бор)**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5